

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия етакчисини та-валлуд куни билан самимий мубо-ракбод этиб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффа-қиятлар, дўст Россия халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий кун тарти-би юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йил июль ойида Москва шаҳридаги учрашув чоғида эришилган келишувларга мувофиқ бўлажак олий даражадаги муло-қотларга тайёргарлик кўриш бўйи-ча биргаликдаги фаол ишларни давом эттиришга алоҳида эъти-бор қаратилди.

Пандемия оқибатларига қара-май, ўзаро таширлар амалга оширилаётгани, Ўзбекистон билан Россиянинг етакчи компания ва корхоналари ўртасидаги инвести-циявий ҳамкорлик қўлами ва то-вар айирбошлаш ҳажми кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Таълим ва маданий алма-

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат чоғида икки мамлакат ҳамкор-лигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашилди, бўлажак олий дара-жадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шерик-лик ва кўп қиррали муносабатларни мус-таҳкамлаш, Марказий Осиёда барқарор-лик ва изчил тараққиётни таъминлаш бо-расида қатъий эканликларини таъкидла-дилар.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, ишонч ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган икки томонлама муносаба-тларнинг ҳолати ва уларни янада ривож-лантириш истикболларини муҳокама қил-дилар.

Коронавирус тарқалиши оқибатлари-ни тез фурсатда енгиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари даражасида яқиндан мувофиқлашув ва фаол алмашинувлар амалга оширилаёт-гани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичларини оширишга қаратилган қўшма дастур ва

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ ТАКЛИФЛАРИ БАРЧАНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТДИ

Давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси анжуманида жаҳон ҳамжамиятига қарата тарихда биринчи марта ўз она тилимизда нутқ сўзлашини юртимиз кишилари бир неча кундан буюн интиқ бўлиб кутишадиган эди. Нафақат Ўзбекистоннинг олис-яқин ҳудудларидаги, балки шу тилда сўзлашадиган ва уни ҳурмат қиладиган миллионлаб кишиларнинг нигоҳи телевизорларга, интернет каналларига, смартфонларининг кичкина ойналарига қадалди.

■ Муносабат

Президент нутқини барча фахр ва ғурурга тўлиб, кўкси тоғдек кўтарилиб тинглади.

Аслида она тилимизга бун-дай эътибор туб ангиланиш-лар ҳукм сураётган мамлака-тимизда ўтган йилнинг 21 ок-тяб-рида, Ўзбекистон Президентининг давлат тили ҳақида қонун қабул қилинган куннинг 30 йиллигига бағиш-лаб сўзлаган нутқида намоён бўлган, “Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун мил-лий ўзлигимиз ва мустақил дав-латчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадри-ятдир. Аждодларимиз, ота-бо-боларимиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини ай-тиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар” деб таъкидлаган эди.

Президентимизнинг бу сўзлари қанчадан-қанча киши кўксига шодлик олиб кирди. Вазирлар Маҳкамасида Дав-лат йўналиши ривожлантириш де-партаменти ташкил қилинди, барча давлат органларида давлат тилида иш юритиш шарт қилиб қўйилди. Давлат органларида раҳбарнинг маъ-навий-маърифий ишлар сама-радорлигини ошириш ва дав-лат тилида иш юритишни ри-вожлантириш бўйича маслаҳат-чи лавозими жорий қилинди, “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида” Қонун имзоланди.

Барча шу ишларнинг ташаб-бускори ҳамда илҳомчиси ўларок, давлатимиз раҳбари ана бир катта ташаббусга қўл урди ва ҳаммани бирдай тўлқинлантирган, Ўзбекистон гурурини юксакка кўтарган ушбу тарихий нутқини ўз она тилимизда сўзлади.

Шу азиз тилимизда янгра-ган сўзларга эътибор берсак, Президент нутқи янги Ўзбе-кистонда амалга оширилаёт-ган улкан ҳаётбахш жараён-ларнинг ёрқин мисоллари би-лан янгради. Ўзбек халқининг эзгу аъёнларини, ёруғ орзу-умидларини ифода этган ушбу нутқда дунё ҳамжамиятини ташвишлантираётган муаммо ва масалаларга бир-бир тўхталиб, уларнинг ечими бўйича ўз таклиф-ларини баён қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА» ТАМОЙИЛИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАЁТИР?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган навбат-даги “Ҳукумат соати”да депутатлар “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар онгига оилавий қадриятларни синғдириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Рес-публикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов соҳада амал-га оширилаётган ишлар ҳола-ти бўйича депутатлар савол-ларига жавоб берди.

Президентимиз Олий Ма-жлисга йўллаган Мурожаатно-масида мулҳоқ янги тизимни — “Обод ва хавфсиз маҳал-ла” тамойилини жорий этиш зарурлигини илгари сурган эди. Шундан келиб чиқиб, оилалар ва хотин-қизлар би-лан ишлаш тизимини янги да-ражага олиб чиқиш, нуруний-ларнинг ижтимоий фаоллиги-ни кучайтириш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқаролар йи-гинларининг ролини ошириш

■ Нуқтаи назар

ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИГА АСОС СОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ватанимиз мустақиллиги-нинг 29 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида Ўзбе-кистонда учинчи Ренессанс даври бошланганини эълон қилди. Буни биз, Ўзбекистон халқаро ислом академияси про-фессор-ўқитувчилари жуда кўтаринки руҳ билан қабул қилдик. Бу бизнинг, диний-маърифий соҳа вакилларининг айни қал-бимиздаги, шууримиздаги сўзлар бўлди.

Келинг, “Ренессанс” ата-маси устида бир оз фикр юри-тайлик. Ренессанс — том маъ-нода Уйғониш демекдир. Му-сулмон Уйғониш атамасини швейцариялик шарқшунос олим Адам Мец муомалага ки-ритган. Унинг “Мусулмон Ре-нессанси” номли машҳур аса-ри дунёнинг кўп тилларига тар-жима қилинган. Ушбу асарда IX — XI асрларда мусулмон дунёсида юз берган Уйғониш хусусида сўз юритилади. Айтиш

лозимки, Ўрта асрларда жамиятда дин ҳукмрон бўл-гани боис муаллиф “Мусулмон Ренессанси” атамасини кирит-ган, унда сўз умумий Уйғониш хусусида боради. Фарбий Ев-ропада Уйғониш деярли беш аср кейин, XIII — XVI асрларда содир бўлди, XIII-XIV асрларда Италия ва Нидерландия ша-ҳарларида кўртак отган Рене-санс кейинги асрларда бутун Европани қамраб олди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ



Изланиш

Оҳангарон туманидаги 265 та саноат корхонаси фаолияти ҳудуд иқтисодиётини доимий барқарорлаштиришга йўналтирилган. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида қурилиш материалларининг қўлами юқорилиги билан алоҳида ажralиб туради. Ҳозир бу йўналишда 108 та корхона жамоаси иш олиб борапти. Улар орасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига қарашли “Эйвалек махсус темир-бетон” УКнинг алоҳида ўрни бор. Корхонанинг аҳил жамоаси йилига 81,9 млрд. сўмлик темир-бетон маҳсулотлари ва норуца материаллар ишлаб чиқармоқда.



Тафсилотларни видеолаҳзада кўринг

■ Акс садо



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШАББУСЛАРИ

ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясидаги чиқиши, юксак минбарда она тилимизда янграган нутқи барчамизнинг қалбимизни ғурурга тўлдирди. Нутқни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали миллиардлаб инсонлар тинглади, ўқиди. Бу тарихий воқеа она тилимизга бўлган чексиз ҳурмат, миллийлигимизни, ўзлигимизни қадрлашга бўлган юксак эҳтиром белгисидир.

Замонавий тахдидларга қарши конструктив тақлифлар

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари сес-сиянинг ялпи қисмида сўзга чиқиб, халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этди ҳамда Ўзбе-кистонни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий мо-дернизация қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Муҳокамалар-нинг асосий мавзусини ҳисобга олиб, коро-навирус пандемиясига қарши биргаликда ку-

раиш ҳамда касаллик тарқалишининг сал-бий оқибатларини енгиб ўтиш масалаларига уруғ берди.

Ўзбекистон раҳбари минтақада ва глобал миқёсда тинчлик ҳамда барқарорлиқни мус-таҳкамлаш, барқарор тараққиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, конструктив муло-

қотни кенгайтириш, шунингдек, иқлим ўзгари-ши, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси, қаш-шоқликка барҳам бериш ҳамда камбағалликни қисқартириш масалалари каби замонавий ха-тару тахдидларга қарши қаратилган қатор му-ҳим ташаббусларни илгари сурди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ ТАКЛИФЛАРИ БАРЧАНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТДИ



Мамлакатни қисқа давр мобайнида барча соҳада янгиланишига сабаб бўлган туб ислохотлар натижасида янги уфқларга йўл очилди. Демократик жамиятнинг барпо этилиши, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг тикланиши, мамлакат саноатининг ва турли соҳаларининг модернизация қилиниши, гендер муаммолари, давлат хизматларининг мутлақо янги, замонавий шакллари ўтиши, ёшларга оид давлат сиёсати, илм-фан ҳамда таълим соҳасидаги янгиланишлар, барча-барчаси ягона эзгу мақсадга — инсонлар бахт-саодатига ва умумий

фаровонлиқнинг ошишига йўналтирилди. Булар, албатта, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган эзгу гоя негизда амалга оширилди.

Президентимиз илгари сурган таклифлар эса, айнан шу — мамлакатимизда халқимизнинг асрий анъаналари йўлида, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик тамойилларига асосланган ҳолда, ўзбек халқининг жаҳон ҳамжамияти олдидagi оқилона нуктаи назарини ифода этиб янгради. Зеро, булар — ҳар бир ўзбек кишиси қалбидa жо бўлган фазилатлардир.

Давлатимиз раҳбарининг долзарб ва муҳим таклифлари барча-

нинг эътиборини ўзига жалб қилди, бу — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш, БМТнинг Глобал антитеррор стратегияси доирасидаги Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференция ўтказиш, катта аҳамиятга эга бўлган минтақамизнинг қўҳна ҳамда бой маданий меросини ўрганиш мақсадида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" мавзuidaги халқаро форумни ўтказиш,

шунингдек, "Беқарор ва вайронкор вазиятдан — тинчлик ва бунёдкорлик сари" деган тамойил асосида БМТ ҳузурида афгон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш каби таклифлар минтақага дунё эътиборини жалб қилиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳаётбахш жараёнлар миқсолида барқарор ривожланишни таъминлаш борасидаги тўлақонли конструктив ечимлардир.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи ўзбек халқининг азалий тинч-тотувлики, жонқуярлик, дўстлик-биродарлик анъаналари асосида ёруғ мақсадларга биргаликда интилиш,

ўзарo ҳурмат, бир-бирининг тақдирига бефарқ бўлмаслик ва азалий дўст-биродарлик анъаналарининг янги босқичга кўтарилишининг юксак эътирофи бўлди.

Президентимиз илгари сурган гоя, хулоса ва таклифлар минтақа ривожига учун жуда катта аҳамиятга эга. Янги Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган, инсон қадр-қиммати, орзуларининг рўёбига қаратилган эзгу ишларда барчамиз камарбаста бўлишимиз шарт, албатта.

Исжон СУЛТОН,
инновацион ривожланиш
вазирининг маслаҳатчиси,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДАГИ ВАЗИЯТ ЮЗАСИДАН БРИФИНГ



Туркий кенгаши
Бошқотиби
Бағдaд Амрeев ҳам ушбу воқeаларга нисбатан ўз фикрини баён этди. Баёнотда ушбу тузилма халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамоийлларига ҳамиша содиқ экани таъкидланди, моҳарo тез орада ҳал этилишига умид билдирилди.

Табиийки, Ўзбекистон ҳам қардош Озарбайжон ва МДХ бўйича ҳамкоримиз Арманистон халқлари тақдирига бефарқ бўлмаган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шу муносабат билан берган баёнотида, жумладан, шундай дейилади: "Озарбайжон Республикаси ва Арманистон Республикаси муносабатларидаги кескинликнинг ошиши Ўзбекистон Республикасида жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилаётган давлат сифатида МДХ ҳудудида дўстлик, яхши қўнчиликлик муносабатлари ва ўзарo ишони мустаҳкамланиши, бахсли масалалар халқарo ҳуқуқ нормаларига

қатъий мос равишда тинч йўл билан ҳал қилиниши муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Озарбайжон Республикаси ва Арманистон Республикасини ҳарбий ҳаракатларни тезда тўхтатишга ҳамда моҳарони суверенитет ва ҳудудий яхлитлик тамойилларига риоа қилган ҳолда тинч йўл билан бар-тарaf этиш мақсадида дипломатик музокараларни бошлашга қақирамиз".

Брифинг давомида ОАВ вакилларининг мавзуга оид саволларига жавоб қайтарилди.

Учрашув якунида қардош Ўзбекистоннинг айнаи масаладаги хайрихоҳ позицияси маълумлиги ва бу ёндашув ҳозир ҳам ўзгармай қoлаётгани эътироф этилди. Шу муносабат билан Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевдан ва бутун ўзбек халқидан чукур миннатдор эканини изҳор этган.

Ғ. ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Фикр

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА МУҲИМ НОРМАЛАР АКС ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми борасидаги муносабатларни тартибга солиш масаласи муҳокамалар марказида бўлиб келаётган эди.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи йиғилишида "Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида"ғи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Айтиш керакки, 38 та моддадан иборат қонун лойиҳасида шу кунгача кўпчиликини қизқитириб келаётган сиёсий бошпана беришдан тортиб чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг юртимизда бўлган вақтда асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда мажбуриятлари аниқ нормаларда акс эттирилмоқда.

Тўғри, илгари ҳам бу соҳада бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари мавжуд эди. Энди эса буларнинг ҳаммаси яхлит қонун шаклига келтирилмоқда. Яъни чет эл фуқароси қайсида давлатга бормоқчи ёки у ерда сармоя киритмоқчи бўлса, қонун томондан ўзининг қанчалик ҳимояланганини билишни истайди. Бу қонун чукўр таҳлил ва муҳокамалардан сўнг пишиқ, пухта шаклда кучга кирса, чет эл фуқаролари юртимизда қайси ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлиги қайсилари мумкин эмаслигини ягона ҳужжатдан билиб олиш имкониятига эга бўлади.

Яна бир жиҳат. Мазкур қонун лойиҳасида юқори маалаки мутаҳассис каби бандлар киритилиб, уларга аниқ таъриф ва тавсиф берилмоқда. Бу нима дегани?

Бу хорижда турли соҳалар-

да ишлаётган ўзбекистонлик мутаҳассисларни Ватанимизга қайтаришга ҳуқуқий асос яратилапти, деганидир. Ми-сол учун, тиббиёт соҳасини олайлик. Бугун ўз касбининг билимдон бўлган, малакали ва етук шифокорлар ривожланган давлатларда фаолият олиб боряпти. Шундай даврлар бўлдики, кўплаб малакали шифокорлар, таъбир жоиз бўлса, етук мутаҳассислар хорижга чиқиб кетди. Чунки уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилмади. Буни инкор эта олаймиз.

Лекин янги Ўзбекистоннинг янги тарихида бу масала барчамиз кутганимиздек, бошқача кўриниш олди. Президентимиз томонидан чет элдаги мутаҳассисларни юртимизга таклиф этиш, уларга яшаш ва ишлаш учун муносиб шароит яратиш, ўз салохиятини шу юрт равнақи учун сафарбар этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу ислохотлар амалда ўз самарасини бераётганини тиббиёт соҳасида узок йиллардан бўён иш олиб борган мутаҳассис сифатида тўла ишонч билан айтишим мумкин.

Умуман, ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни яхлит ҳолда қабул қилиш ҳаёт талабидир. Зеро, фуқаролиги ёки фуқаросизлигидан қатъи назар, инсон ҳамда унинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар нарсадан устундир.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.

«ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА» ТАМОЙИЛИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАЁТИР?



Парламентдаги муҳокамада маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, бандлигини таъминлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш, "маҳалла — сектор — халқ қабулхонаси — маҳалла" тамойили асосида аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалаларига оид қилнаётган ишларга батафсил тўхталди.

Вазирнинг таъкидлашича, ўтган давр мобайнида вилоятлар, туманлар ҳамда маҳаллаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, "Обод ва хавфсиз маҳалла" тизимини жорий этиш бўйича 2020 йилга мўлжалланган маъзилли "Йўл хариталари" ишлаб чиқилган.

Камбағалликни қисқартириш бўйича шаҳар маҳаллаларидан — Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги Янги Себзор, қишлоқ ҳудудларидан — Фарғона вилоятининг Қўштепа туманидаги Намуна маҳаллаларида намунавий тизим ишлаб чиқилиб, юртимиздаги қолган барча 9 150 та маҳаллага ҳам самарали таътиқ этиляпти.

Шу билан бирга, оилавий ажрилашар ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 4 минг 333 тага камайган. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта туғуруқларнинг олдини олиш, нотинч оилалар фарзандлари ва уларнинг ота-оналари билан тизимли ишлаш бўйича ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда 406,8 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган, 266 минг нафари жамоат ишларига жалб этилган, 22 мингдан зиёд шахсларга ишсизлик нафақалари тўлаб берилган.

Йиғилишда табдиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 126 минг 245 нафар фуқаронинг рўйхати маҳаллалар томонидан шакллантирилиб, уларнинг 81 минг 764 нафарига табдиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ёрдам берилгани таъкидланди. Амалга оширилган ишлар натижасида "темир дафтар"га киритилган 409 178 та оилалдан 174 258 тасини камбағалликдан чиқаришга эришилган.

Маҳаллаларда жиноятчилик ҳолатини баҳолаш бўйича

ча янги тартиб жорий этилган. Жиноятчиликни жилавланда аҳолининг кам таъминланган, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор ҳамда доимий меҳнат билан банд бўлмаган қатламлари билан ишлашда "ижтимоий профилактика" тизими йўлга қўйилмоқда.

Мажлисида қўйи палата депутатлари томонидан олиб борилган ўрганиш ва таҳлиллар айнаи шу масалаларда қатор камчиликлар кузатилаётганини кўрсатгани айтиб ўтилди.

Вазирнинг қайд этишича, ҳақиқатан ҳам, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларда айрим омиларар туфайли муаммолар юзага келмоқда. Жумладан, маҳаллалар ва оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик, осойишталикни таъминлашда мутасаддилар фаолиятида камчиликлар учраяпти. Маҳаллаларда ишни самарали ташкил этиш, мувофиқлаштириб боришнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаётган раҳбар ходимлар ҳам йўқ эмас.

"Ҳукумат соати"да ҳудудий хотин-қизлар табдиркорлик марказлари ва реабилитация марказларининг моддий-тех-

ника базасини мустаҳкамлаш, бинолар билан таъминлаш, штатлар ажратиш ҳамда ойлик иш ҳақларини белгилаш, "Аёллар дафтары"га киритилганлар билан самарали ишлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Маҳаллаларда, шунингдек, аҳоли муаммоларининг мутасадди ташкилотлар томонидан ўз вақтида бартараф этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш масаласи муҳимлиги таъкидланди.

Депутатлар ҳозирги мурраккаб вазият — пандемия шароитида аҳоли муаммоларини ўрганиш, эътиҳамд қатлам ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, табдиркорликини ривожлантириш долзарб масала экани, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар устидан парламент ҳамда депутатлик назоратини қучайтириш, вазирликка ушбу вазифаларни бажаришда амалий ёрдам бериш зарурлигини қайд этдилар.

Шунингдек, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини қучайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

МЕДИАЦИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЗАМОНГА МОСЛАШТИРИШ ЗАРУР

Куни кеча "Тараққиёт стратегияси" маркази, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси, Тошкент халқаро арбитраж маркази, АКШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида "Ўзбекистонда медиация қонунчилигини тақомиллаштириш" мавзuida видеоконференцалоқа режимида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Бундан кўзланган асосий мақсад медиация соҳасидаги қонунчиликни замон талабларидан келиб чиқиб тақомиллаштириш ҳамда илгор хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини чукўр таҳлил қилиш асосида уни юртимизда кенг қўллаш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Шундан келиб чиқиб, табдирда медиациянинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий асослари, медиация натижасида эришилган БМТнинг Халқаро тинчлик битимлари тўғрисидаги конвенцияси, Тошкент халқаро арбитраж маркази тижорат ва сармоявий бахслар учун халқаро медиация вазифасини ўташи ҳамда меди-

торларни тайёрлаш ва сертификатлашдаги сўнги ўзгаришлар сингари қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, юртимизда медиацияни жорий этиш тенденциялари, унинг асосий тамойиллари, медиация соҳасида қонунчилик базасини яратиш, медиаторларга қўйиладиган талаблар, профессионал медиаторлар реестрини юритиш ва медиация маркази фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Шунингдек, мамлакатимизда соҳа қонунчилигини тақомиллаштириш, истиқболда уни кенг қўллаш ҳамда соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗЛАРИ АЁЛЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЯПТИ

Яқинда бўлиб ўтган БМТнинг Хотин-қизлар ҳолати бўйича тўртинчи Бутунжаҳон конференциясининг 25 йиллигига бағишланган глобал саммит халқаро ҳаётдаги ёрқин воқеалардан бири бўлиди, десак, адашмаймиз. Зеро, унда Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан иштирок этган Олий Мажлис Сенати Раиси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева она тилимизда нутқ сўзлади.

Мушоҳада

Парламент юқори палатаси раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритиб, аёллар бандлигини таъминлашга доимий эътибор берилаётганини, жумладан, мақсадли давлат дастурлари қабул қилинаётгани, натижада ишбилармон хотин-қизлар сони тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда жойларда фаолият юритаётган Хотин-қизлар табдиркорлик марказлари кўплаб опсингилариимизнинг мустаҳкам оёққа туриб олишлари учун замин ҳозирламоқда. Айтиш жоизки, уларни ташкил этиш ташаббуси Сенат Раиси томо-

нидан илгари сурилганди. Давлатимиз раҳбарининг беш муҳим ташаббусига жавобан амалга оширилган бу гоя ўзини тўлиқ оқлагани ва кутилгандан зиёд самара бераётганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шу кунларда биз, сенаторлар, Тошкент вилоятида пахта теримида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш доирасида ижтимоий объектлар, ўкув марказлари фаолияти билан танишлямиз.

Яқинда Янгийўл туманида "Баркамол авлод" боилар мактаби биносида бир ой аввал иш бошлаган Хотин-қизлар табдиркорлик марказида бўлди. Марказ учун ажратилган олти хонадан биттаси маҳаллий табдиркорга берилган. Бу ерда аёллар

тўқимачилик сир-асрорларини ўрганмоқда.

Демак, марказда назария ва амалиёт ўзарo чамбарчас боғлиқликда олиб борилаётир. Эътиборлиси, амалиёт ўташни ташкил қилган бу табдиркор яқинда Германия давлати билан йирик микдорда тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспорти учун шартнома имзолаб, яна бир цех фаолиятини йўлга қўйди. Бу цехда марказнинг энг яхши битирувчилари ишга жойлаштирилди.

Хотин-қизларнинг оилавий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда, ўқиш икки сменада ташкил этилган. Марказда таҳсил олаётган аёлларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг субсидияси ҳисобидан стипендия ҳам тўланапти. Икки ойлик курслар тугаши билан уларнинг бандлиги таъминланаётганини диққатга сазовор, албатта.

Ўрни келганда айтиш жоиз, Янгийўл тумани муаммолни ҳудудлардан бири эди. Туманда биргина Ниёзбоши маҳалласи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳисобиға яхши, қолган ҳудудлар жуда қолоқ ҳисобланарди. Ҳозир туман раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари боис бу ерда қўллаб иж-

бий ўзгаришларнинг, ҳудуднинг мавжуд салохиятидан унумли фойдаланилаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Янгийўл туманидаги Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш марказида бир сменада 14 аёл ўқиши йўлга қўйилмоқда. Пандемия шароитидан келиб чиқиб, гуруҳ 15 тагача бўлган тингловчилардан тузилган. Аёллар ижтимоий масофани сақлаган ҳолда, индивидуал ёндашув асосида ўқитилмоқда. Ҳозирнинг ўзида курсларга қўллаб хотин-қизлар ёзилгани ҳам ушбу марказнинг келажагидан далолат беради.

Қувонарлиси, дастлаб Бўка, Олмалик каби олти та туманда очилган бундай марказлар ҳозир вилоятнинг барча туманида бор. Ўкув дастурлари бўйича бизнес асосларидан тортиб энг замонавий касблар, жумладан, ахборот-коммуникация соҳасидаги мутаҳассисликлар, қолаверса, ўзини ўзи банд қилиш имкониятлари бўйича ҳам билим ва амалий кўникма бериляпти.

Марказлар аёлларнинг ижтимоий мослашувида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларда психологлар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ўқишга келган ҳар бир аёл, аввало, ушбу мутахас-

сис суҳбатидан ўтади. Бу хотин-қизларнинг қобилиятини аниқлаб, уларга қайси йўналишда касб ёки билим эгаллаш бўйича аниқ тавсиялар беришда кўл келади.

Яна бир эътиборли жиҳати, жойларда очилаётган бундай марказларга хотин-қизлар билан бирга, уларнинг оила аъзолари ҳам келади. Хусусан, биз Бўка туманида илк ана шундай марказ очганимизда ёши улуг отахон бир эмас, тўрт нафар келинини ўзи олиб келган эди. Улар ҳам тренингларга жалб қилинган, барча ўкув курсларда, машгулотларда қатнашганди. Ана шундай қайноталарга фаҳрий сертификат ҳам берилган, энг асосийси, ўша келинлар оила аъзоларининг кўмаги билан ўз фаолиятини йўлга қўйиб олди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда камбағалликдан чиқариш дастурлари амалга ошириляпти. Биз сўз юритаётган марказлар бу борада муҳим аҳамият касб этаётгани диққатга сазовордир. Эндilikда бундай марказлар фаолиятини янада тақомиллаштириб бориш асосий вазифамиз бўлиши керак.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Сув — ҳаёт манбаи, мўл ҳосил гарови. Азалдан халқимиз сувни табиатнинг бебаҳо неъматидеб билган ва уни тежаб оқилона фойдаланишга эътибор берган. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислохотларга мос равишда сув ресурсларидан фойдаланиш сиёсати ҳам замон талабларига мос ўзгармоқда.

Тежамкорлик

Президентимиз раислигида шу йилнинг сентябрь ойида ўтказилган сув ҳўжалига тажамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишга бағишланган йиғилишда соҳага оид қатор долзарб вазифалар белгилаб берилган эди.

Йиғилишда келгуси йилда сув тежовчи технологиялар билан 600 минг гектарни қамраб олиш режалаштирилган бўлиб, сўнгги ўн йил мобайнида сув ҳажми 12 фоизга камайганилиги, бу, ўз навбатида, бир нечта вилоятларда сув танқислиги муаммосини юзага чиқараётганлиги алоҳида таъкидланди.

Бундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида сўнгги уч йилда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва тубдан ислох қилишга йўналтирилган бир нечта меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Айни чоғда ердан унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, даромадни қўпайтириш, истеъмол учун сифатли ва рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга бўлган талаб ҳам ортди.

Аммо сув ресурси чеклангани сабабли аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув микдори тобора камайиб бораётгани ташвишлидир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, йиллар ўтиши билан сувга бўлган эътиҳж янада ортади. Сувнинг қадрига етиб, ундан оқилона фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни кенг таътиқ этиш айна заруратдир. Фақат шу йўл билан мазкур муаммони ҳал қилишимиз мумкин.

Шу мақсадда томчилатиб суғориш технологияси қишлоқ ҳўжалигига кенг таътиқ этилмоқда. Бу тизим ўсимликнинг сувга бўлган эътиҳжига тенг микдордаги сувни зарур муддатда унинг илди қатламига етказиб беришга мўлжалланган босимли суғориш тармоғи саналади.

Ќўш, томчилатиб суғориш тизимининг афзалликлари нимада?

Шавкат ЖАЛОЛОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Семинар

МИЛЛИЙ ПРЕВЕНТИВ МЕХАНИЗМ ДОИРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР ТАҲЛИЛИ

Парламент кўйи палатасида “Миллий превентив механизм доирасида қўйноқларнинг олдинчи олиш бўйича ҳуқуқий базани тақомиллаштиришда парламентнинг роли” мавзuida халқаро онлайн семинар ташкил этилди.

Мазкур тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Парламентларо Иттифок, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, БМТнинг Ўзбекистондаги ҳамда Женевадаги БМТ бўлинмаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхоналари, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Бош прокуратура вакиллари, шунингдек, халқаро экспертлар қатнашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Қийноқларга қарши конвенциясини 1995 йилда ратификация қилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан, қийноқларга йўл қўймаслик ҳамда тарқалишининг олдини олиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш соҳасида ўз халқаро мажбуриятларини бажаришни ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирларни амалга ошириб борапти.

Хорижий экспертлар жазони ихро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган, қамоққа олинган, шунингдек, маъмурий қамок жазосини ўтаётган шахслар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича комплекс норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга замин яратган “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг аҳамиятини алоҳида қайд этдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз халқаро мажбуриятларини бажариш доирасида БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига бешта маъруза тақдим этди. Ўтган йил ноябрь ойида мамлакатимиз делегацияси БМТ қўмитасининг 68-сессиясида қатнашди. Унда БМТнинг Қийноқларга қарши конвенцияси қоидаларини бажариш бўйича

Ўзбекистоннинг бешинчи даврий маърузаси қўриб чиқилди ва қўмитанинг яқини хулосаси ҳамда тавсиялари берилди.

БМТнинг миллий превентив механизмининг ривожлантиришга оид халқаро ҳужжатларининг хорижий мамлакатлар амалиётидаги ижросининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини умумлаштириш ва иштирокчи давлатларнинг ваколатли идоралари томонидан қийноқларга солиш ҳамда жазоланишга бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни тахрирловчи турларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи миллий превентив механизм ва-зифасини амалга ошириш тизимини тақомиллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, семинар давомида қўйи палата томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, қийноқларнинг олдини олиш соҳасида қонунчилик ижросини таъминлаш борасида таъсирчан парламент, депутатлик ва жамоатчилик нозоратини фаол амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи бажарилаётгани таъкидланди.

Семинар иштирокчилари, хусусан, халқаро экспертлар мамлакатимизда соҳада олиб борилаётган ишлар, хусусан, процессуал қонунчиликни бузган тақдирда, шу жумладан, қийноқлар ёки психологик ва жисмоний босимни қўллаш орқали олинган далиллардан фойдаланишни тақиқлаш, далилларни сохталаштирганлик учун жиноий жавобгарлиқни белгилаш, “Хабеас корпус” институтини қўллаш қўламини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм яратиш, гендер тенглиги ва аёлларга нисбатан зўравонликка қарши қонунлар қабул қилинганлигини ихобий баҳолади.

Тадбир якунида халқаро экспертлар ва Ўзбекистон томони соҳани янада тақомиллаштириш бўйича Ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, амалий ҳамкорлиқни давом эттиришга қелишиб олишди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИГА АСОС СОЛИНДИ



Адам Мецга қайтсак, у “Мусулмон Ренессанси”да Марказий Осиё олимларининг жаҳон цивилизациясига қўшган катта ҳиссасига эътибор қаратди. Деярли у билан бир пайтда лейпциглик немис олими Генрих Зутер аббосийлар ҳукмронлигининг илк босқичларига (VIII аср иккинчи ярми) мансуб 515 математик ва астрономнинг рўйхатини тузиб чиқди. Уларнинг барчаси араб тилида иҳод қилгани учун кўпчилик тадқиқотчилар уларни араблар, деб ҳисоблаган. Уларнинг аксарияти Марказий Осиёдан етишиб чиққан олимлар бўлганлигини Генрих Зутер кашф қилди. Унинг услуби жуда оддий эди: у олимларнинг нисбасига, яъни у ёки бу ҳудудда туғилганига, эътибор берди. Зутер эришган натижаларнинг бир қисминигина қабул қилсак ҳам маълумотлар шу даражада кўпки, ўрта асрлардаги интеллектуал харитани батамом бошдан қўриб чиқишга тўри келади.

Муайян даврда, аксарият мусулмон халқлари бир давлат — Араб ҳамкорлиги таркибига кирган пайтда араб мусулмон маданияти шаклланишида, албатта, ислом дини ва араб тили асосий роль ўйнаган. Йирик империянинг бирлиги Қуръон қаримга мосланган диний қонун-қоидалар ва ахлоқ меъёрларига биноан вужудга келганди. Араб тили умумий маданиятнинг муҳим унсuri вазифасини бажарган. Ҳар бир маърифатли мусулмон Қуръон тилини ўзлаштиришга ҳаракат қилган. Араб тилини билиш олимлар ўртасидағ алоқони ривожлантирган. Демак, IX — XI асрларда мусулмон маданиятининг ривожини, биринчи навбатда,

Араб ҳамкорлиги таркибига кирган қўллаб халқлар ва элатларнинг маҳсулидир.

Барчага маълум бўлган Марказий Осиё мутафаккирларига берилган таърифларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Имом Бухорийнинг “Саҳих”и Қуръондан кейинги ўринда турадиган асар ҳисобланади. Имом Мотуридий янги фан — “Илму-л-калом”га асос солган, ҳанафий мазҳабини янги тараққиёт босқичига кўтарган. Маҳмуд Замахшарий араб лингвистикасининг асосчиси ҳисобланади, унинг замондошларидан бири “Ағар шу туркий бўлмаганда араблар ўз она тилларини чуқур билмаган бўлардилар”, деб айтган эди. Бурхониддин Марғиноний-гача фикҳ фанининг 5 босқичи ўтилиб, у муқаллидлар, яъни олдингиларга тақлид қилувчилар даврида яшаган бўлса-да, унинг “ал-Ҳидоя” асариға ўз даврида жуда катта эҳтиёж бўлган. Ҳасан Хоразмий оддий арифметик амаллардан тортиб, илк бор араб тилида синус, косинус, тангенс, котангенс қоидаларини ифодалаганки, бутун дунё халқлари унинг ихтиролари билан бахрланиди. Аҳмад Фарғоний олти аср олдин янги қитъа — Американинг очилишини башорат қилган. Форобий барча асарларида Аристотелинг мантиқига таянгани боис, уни “муаллим соний” — иккинчи муаллим, деб аташган.

Биринчи Мусулмон Ренессансининг чўққисига чиққан олимлар, шак-шубҳасиз, Ибн Сино ва Берунийдир. Ибн Сино турли соҳаларда ёзилган 450 асар муаллифи ҳисобланади. У ҳозирги замон учун жуда долзарб муаомма — агар инсон мўътадил жисмоний тарбия билан шуғулланиб, тўғри

овқатланса, дори-дармонга, довола-нишга муҳтожлик сезмайди, деган фикрга келган. Унинг химия, астрономия, механика, психология, адабиёт ва му-сикага бағишланган асарлари мав-жуд. Ибн Сино олам узра машҳурли-гининг далолати 1573 йилда очилган астероид ва Ой кратерига унинг номи қўйилишидир.

Абу Райҳон Беруний (973 — 1048 йй.) биринчи бўлиб, Ер Қуёш атрофида айланишини исботлаган. Олим Еринг радиусини шундай ҳисоб-лаб чиққанки, у ҳақиқийсидан бир оз-гина фарқ қилади. Европада XVI аср-гача бу натижага эриша олмаганлар. Беруний араб, форс, санскрит, оро-мий, иврит каби бир неча тилларни билган. У XX асрда катта эътиборга сазовор бўлди. Ой кратерларидан бири, шаҳар, музей, университет, ил-мий-текшириш институти, қўллаб қўча-лар унинг номи билан аталган. У ҳақда бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратилган. ЮНЕСКО ҳамда бошқа халқаро ташкилотларда унинг номи фахр билан тилга олинади.

Ўзбекистон сиёсий маъмуриликка эришган, биз чорак аср синов йилла-рини бошимиздан кечирдик, бу йил-лар осон бўлмаганини ҳаммамиз яхши биламиз. Ниҳоят, бу синовлардан му-ваффақиятли ўтдик, дориламон кун-лар етиб келди, янги давр ўзгариш-ларни талаб қила бошлади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайлангандан сўнг Ўзбекистонда барча соҳа сингари (ихтисослигим “Ислом тарихи”дан бўлгани учун шу соҳага урғу бера-ман), ислом тарихида ҳам янги босқич бошланди. Давлат ҳамда дин муноса-батларида батамом янги саҳифа очил-

ди. 2017 йил май ойида Ар-Риёдда ўтган араб-мусулмон давлатлари ва АҚШ саммити чоғида Президент Дональд Трамп Ўртбошимиз Шавкат Мирзиёев билан учрашувда Ўзбекис-тонда ўтказилаётган ислохотлар жа-раёнини юқори баҳолади.

БМТ Бош Ассамблеясида 2017 йил 20 сентябрда сўзлаган нутқида Президент Шавкат Мирзиёев “Маъ-рифат ва диний бағрикенглик” БМТнинг маҳус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. 2018 йил 16 апрелда давлатимиз раҳбари Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом ака-демиясини ташкил қилиш, Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошида “Вақф” хайрия жамоат фондони тузиш, Ҳадис илми мактаби фаолиятини йўлга қўйиш ҳақиқида Фармонга имзо чекди.

2019 йил 10 сентябрда Тошкент шаҳрида очилган Президент мактаби-га таширфи чоғида Шавкат Мирзиёев ўқувчилар билан суҳбатлашиб “Ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига барча

асосларимиз бор”, деди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Ўзбекис-тоннинг эртанги кунига ишончини мустаҳкамлаш, ажждоларга муносиб бўлиш учун ислохотларни илмдан бош-лаш керак. Чунки илмисиз ҳеч бир со-ҳада натижа бўлмайди”.

Ниҳоят мақоламиз бошида ёзга-нимиздек, 2020 йил 31 август кунги Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йил-лиги тантаналарида сўзлаган нутқида Президент Шавкат Мирзиёев: “Бутун жаҳон микёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “янги Ўзбекистон” деган ибро-ра тилга олинмоқда. Бу кейинги йил-ларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залварли ютуқларимиз-нинг эътирофидир. Халқимизнинг улугвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, аини ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам, кечаги халқ эмас”, деб таъкидлади.

Би-Би-Си ўзбек ҳизматининг ўша кунийёк берган изоҳида таъкидланиши-ча, Президент Мирзиёевнинг “Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Ренес-санс даврига пойдевор яратилгани” ҳақидаги сўзлари энг кўп диққат-эътибор тортган, аини мазмундаги пост санокўи соатларнинг ўзида иш-кий тармоқлардаги аккаунтларда энг кўп қўйилган, ёқтирилган ва шарҳ-ланганларидан бирига айланган.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзи доимо кучли мантиқ ва объектив қонуниятга асосланган бўлади. Биринчи Ренессанс уч аср давом этган, иккинчиси эса ярим асрдан ортик, учинчи Ренессанс янги ўн йиллар ичида амалга ошишига Ўзбекистон халқининг ишончи қомил.

Аҳаджон ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва маънашунослик кафедраси
профессори, тарих фанлари доктори.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ



Асосий ишлаб чиқа-риш цехларимизда пўлат излар учун шпонлар ва са-ноат корхоналари бюуртмаси асо-сида махсус қувурлар тайёрлаймиз. Пандемия шароитида ҳам каран-тин талабларига қатъий амак қил-ган ҳолда иш жараёнини тўхтатма-дик. Сабаби тош майдалаш, бетон қориш, сув буғи етказиб бериш



каби қатор цехларнинг узлуксиз ишлаш тизими яратилди. Ишчи-хизматчиларнинг фидокорона меҳ-нати туфайли ҳар ойда режадаги 20 минг дона шпон тайёрлаш ва-зифаси бир маромида бажарилиди. Бу барқарорлик туфайли жамоа-мизнинг моддий манфаатдорлиги тўлиқ таъминланди.

Дарҳақиқат, корхонада унумли меҳнат қилиш, мазмунли дам олиш, китоб, газета-журналлар мутлоаси учун барча шароит яратилган. Икки сменада меҳнат қилувчилар иссиқ овқат, махсус кийим, тиббий никоб ва антисеп-тик воситалар билан тўлиқ таъ-минланмоқда. Ҳар бир смена ишчи-хизматчиларини ташвиш учун махсус автобуслар ажратил-ган. Транспорт воси-талари белгиланган вақтда мунтазам де-зинфекция қилинади. Ишчи-ҳодимлар сало-матлигини шифокор-лар доимий назорат қилиб боради.

Корхонада шу йил-нинг ўтган олти ойи мобайнида 46 турдаги темир-бетон махсу-лотлари ишлаб чиқарилди. Мўҳан-дис-техник ҳодимларнинг изланиш-лари натижасида 6 хилдаги янги махсулотлар тайёрлаш жараёни ўзлаштирилди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Хабар

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

хорижий давлатда ўз филиалини ташкил этган Ўзбекистоннинг биринчи олий таълим муассасасига айланди

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти жаҳоннинг 150 дан зиёд университет ва ил-мий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Яқинда бу ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Институт хорижий давлатда ўз филиалини ташкил этган Ўзбекистоннинг биринчи олий таълим муассасасига айланди.

— Олий ўқув юртимиз Хиндистоннинг Нью-Дели шаҳ-ридан 20 километр узоқликда жойлашган Ноида халқа-ро университети базасида ўз филиалини ташкил этиш юзасидан меморандум имзолади, — дейди институт проректори А. Насуллаев. — Унга қўра, 2020/2021 ўқув йилидан институт профессор-ўқитувчилари тиббиёт ва жарроҳлик бакалаври дастури асосида ўқишга қабул қилинган Хиндистон фуқароларига тахсил беради. Ке-лишувга биноан, Ноида халқаро университети таълим жараёни учун зарур инфраструктура, моддий-техника базаси, ўқув-лабораториялари ҳамда клиник базадан фойдаланиш масалаларида ёрдам беради. Талабалар дастлабки икки йил Хиндистонда, қолган уч йилда эса Бухорода ўқисни давом эттиради. Сабоқлар инглиз тилида олиб борилади.

Умуман олганда, институтигимиз, Ноида халқаро уни-верситети ҳамда “ReorleHive” компанияси ўртасида имзоланган мазкур уч томонлама меморандум мамла-катимиз олий таълим муассасаларининг халқаро жо-зибдорлигини ошириш, таълим экспорти орқали ин-ститут моддий имкониятларини мустаҳкамлаш, шунин-гдек, халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш сари йўл очади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Назария ва амалиёт



ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗ

ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини янада оширади

Тошкент ҳарбий округи “Чирчиқ” умумқўшни полигонига дала моделлаштириш ва симуляция маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Мудофаа вазирлиги ташаб-буси билан қўшинларнинг жан-говар тайёргарлиги жараёни-га замонавий технологиялар-ни татбиқ этиш мақсадида ташкил қилинган ушбу марказ Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили мазмун-моҳиятига ҳам-оҳанг экани билан аҳамият-лидир. У машғулот ва қўмон-донлик-штаб ўқувларини ўтқа-зишда тактик ҳолатни ҳар томонлама баҳолаш, оптимал қарор қабул қилиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон ва минтақада рўй бераётган ҳарбий-сиёсий вазият ҳар қан-дай давлат учун қўшинларнинг жанговар қудратини янада оши-риш, жанг олиб бориш усул ҳамда услубларини бойитиш боришини талаб этади. Мазкур дала моделлаштириш ва си-муляция марказида ҳам ҳар-бий хизматчилар компьютер қўмондонлик-штаб ўқуви ёрда-мида реал жанг олиб бориш-нинг энг мақсул жиҳатларини ўрганади. Қўшинларни бошқа-ришининг замонавий қўрунш-ларини таҳлил этиб, касбий маҳоратини оширади.

Марказда қўмондонлик ва қузатув пунктлари, замонавий компьютер техникалари, алоқа воситалари ҳамда видеокон-ференцалоқа хизматлари мав-жуд. Тактик бўғиндаги бўлин-маларнинг қўмондонлик тарки-бини тайёрлаш марказининг муҳим вазифаларидан сана-лади.

Бу ерда ўқув жараёнини ташкиллаштиришда тўғридан-тўғри бошлққ ўз бўйсунувчи-ларнинг ўқитидаи ва бу жараён уларнинг тайёргарлиги учун шахсан жавоб бериш таъомил-ли асосида амалга оширила-ди. Тактик бўғиндаги бўлин-маларнинг ҳарбий хизматчи-ларини (командирларини) дала шароитида ўқитиш ҳарбий ок-руг қўмондончи томонидан таш-киллаштирилади ҳамда у икки босқичда — назарий ва ама-лий шаклларида ўтказилади.

Ишга тушганига қўп бўлма-ган бўлса-да, муассасада Мар-

казий ҳарбий округнинг ҳар-бий қисм, батальон, взвод ҳамда гуруҳ командирлари, уларнинг жанговар тайёргар-лик бўйича ўринбосарлари на-зарий ва амалий билимлари-ни мустаҳкамладилар.

Бевосита ҳарбий округ қўмондончи раҳбарлигида ўтқа-зилган ушбу машғулотни му-дофаа вазирли, генерал-майор Баҳодир Қурбонов қузати-ди. Мудофаа вазирли ҳарбий округ қўмондонлиги ва ҳарбий қисм шахсий таркибининг машғулот давомидаги хатти-ҳаракатини юқори баҳолаб, марказ фао-лиятини янада тақомиллашти-риш юзасидан ўз тавсиялари-ни берди.

Бир неча кун давом этган машғулотларда иштирокчилар томонидан бўлинмаларнинг жанговар қўлланилиши, ҳарбий хизматчиларни тактик вазифа-га тайёрлаш, бўлинмалар би-лан ҳамкорликда ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш каби масалалар қўриб чиқилди. Олиб борилган компьютер қўмондонлик-штаб ўқувиди ҳар бир бўлинма ўзига ўқулатил-ган вазифаларини бажарди. Ўқув давомидида ҳар бир коман-диндан қарорларни аниқ ҳисоб-китоб ва ўзини оқлай-диган усулларда қабул қилиш талаб этилди. Чунки шунга қараб компьютер автоматик равишда бўлинманинг галаба-сини ёки мағлубиятини, йўқотишларни белгилаб бера-ди. Бу ҳарбий қисмларнинг масъул офицерларидида жанг шароитида турли тактик ҳа-ракатларни ишлаб чиқиш, ностандарт вазиятларда қарорлар қабул қилиш қўни-маларини шакллантиради.

Ҳар қандай ўқув-машғулот-лари, аввало, ҳарбий хизмат-чиларнинг жанговар тайёргар-лигини юксалтиришга, ахло-қий-руҳий қўнимчаларини яна-да оширишга хизмат қилиши лозим. Мазкур марказ ҳам юрт ҳимоячиларининг янги тактик усулларини амалда синовдан ўтказиб, касбий маҳоратлари-ни янада мустаҳкамлаш им-кониятини бериши билан аҳамиятлидир. Келгусида ушбу тизимни барча ҳарбий округ дала-ўқув майдонларида таш-кил этиш режалаштирилган.

Ахрор ОЧИЛОВ.

ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ВА ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ

У қандай таъминланади?

Айтиш жоиз, мазкур саволга жавобни Президентимизнинг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини хорижий тартиб чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан олиш мумкин. Бинобарин, унда хорижда ишлаш учун кетаётганлар манфаатига мос қатор вазифалар белгилан берилган.

Маълумотларга қўра, аини пайтда хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимиз сони ўртача 2 миллион нафарни ташкил этади. Шундан 1,5 миллиондан зиёди Россия Федерацияси, 200 мингга яқини Қозоғистон Республикаси, 50 мингдан ортиги Корея Республикасида ишлаётгани инobatга олинса, мазкур ҳужжатнинг аҳамиятини англаш қийин эмас.

Имкониёт

— Пандемия сабабли ташки меҳнат миграцияси соҳасида жиддий муаммолар юзага келди, — дейди Ташки меҳнат миграцияси агентлиги раҳбари Мўхаммадоқир Маматхонов. — Ушбу вазиятда юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, пандемиядан кейин дунё меҳнат бо-зорида Ўзбекистон фуқароларига шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг шу йил 11 августда “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва Президентимиз раисли-гида хорижда меҳнат қилаётган

фуқароларга муносиб шарт-шароит-лар яратиш ва улар билан таъминли ишлаш юзасидан видеоелектор йиғилиши ўтказилди. Шундан сўнг, айтиб ўтганимиздек, 14 сентябрда давлатимиз раҳбари томонидан “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳ-нат миграцияси тизимини хорижий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Булардан қўринадики, бун-дай кетма-кет амалий тадбирлар қабул қилинаётгани охириги пайтлар-да соҳага жиддий эътибор берилёт-ганидан далолатдир.

Чиндан ҳам, кейинги йилларда хо-рижда ишлаётган фуқароларга нис-батан муносабат тубдан ўзгариб, меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилди. Уларнинг муаммо ва эҳти-ёжларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш

бўйича янги тизим жорий қилинди. Меҳнат мигрантларининг соғлиғи ҳамда ҳаётини суғурталаш, уларнинг оила аъзолари учун ипотека кредит-ларини ажратиш амалиёти йўлга қўйилди.

Қарор ташки меҳнат миграцияси соҳасидаги ваколатли органларнинг фаолиятини тақомиллаштириш, хориж-да ишламоқчи бўлган шахсларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, фуқароларнинг чет элда бўлиш даврида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, шунинг-дек, уларнинг оила аъзоларини икти-моий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Қарор билан, хусусан, ташки меҳ-нат миграцияси соҳасида халқаро ҳам-корлик ривожлантирилади. Хориждаги ватандошлар ташкилотлари ва ўзбек диаспоралари билан алоқалар мус-таҳкамланади.

Меҳнат миграциясидан қайтиб кел-ган шахслар реинтеграция қилинади, шу жумладан, уларнинг бандлиги таъ-минланади, касбий малакаси ошири-лади ва тадбиркорлик ташаббуслари рағбатлантирилади.

Бундан ташқари, Ташки меҳнат миграцияси агентлигининг ҳудудий филиаллари хорижий иш берувчилар ва уларнинг вакиллари билан бево-сита келишувлар тузиш ҳамда тузил-ган келишувларга асосан фуқароларни ишга юбориш, хорижий мамлакатлар-

нинг ҳудудий миграция ва бошқа давлат органлари билан алоқалар ўр-натиш ҳамда музокаралар ўтказиш, хориждаги ватандошлар ташкилотла-ри билан ҳамкорлик қилиш, хорижий (халқаро) молия институтлари ми-грация соҳасини ривожлантиришга ажратилмаган грантларни жалб қилиш каби ишлар билан шуғулланади.

Яна бир гап. Энди фуқароларимиз хорижга ташкиллаштириладиган меҳ-нат миграцияси йўли билан юбори-лади. Бу эса турли ноқулайликлар, айтайлик, алданиш ёки одам савдоси-каби ноҳус қолатларга тушиб қолиш-дан сақлайди.

Улар, шунингдек, ишга юборили-шидан олдин давлат ва нодавлат таъ-лим ташкилотларида касб-хунарга ўқитилади. Демак, улар талабгир касблар ва чет тили бўйича қисқа муддатли курсларда шу ернинг ўзида ўқитилади.

Ташки меҳнат миграцияси соҳа-сини янада ривожлантириш мақсади-да 2021

Янги ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШАББУСЛАРИ ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Уларнинг биринчиси коронавирус билан боғлиқ. Бундай глобал офат сайёрамизда сўнгги юз йилда кузатилмаган. Қисқа муддатда дунёни чирмовукдек ўраб олгани, кўплаб давлатларнинг соғлиқни сақлаш хизматлари фалажлаб қўйгани, касалликка йўлққанлар сони 35 миллиондан ошиб, вафот этганлар сони 1 миллиондан кўпайгани ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият Ер юзидagi барча давлат ҳамда халқлар ўзаро боғлиқ эканини, муаммони мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорликдагина ечиш мумкинлигини кўрсатаяпти. Шу сабабли Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотини шафелингида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексини ишлаб чиқишни тақлиф этди. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидagi мажбуриятлари акс этиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўз навбатида, давлат раҳбари БМТ Бош қотиби Антониу Гутерришнинг бугунги инқирозли вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган саммитини ўтказиш бўйича тақлифини кўллаб-қувватлади. Нега? Чунки БМТнинг башоратига кўра, йил охиригача глобал оқарчиллигини ўсиши кўпайтади. Ҳозирги вақтнинг ўзидaёқ 820 миллион киши, яъни дунёдаги ҳар 9 кишидан бири етарли миқдорда егуликка эга эмас. Қолаверса, бу йил COVID-19 инқирози туфайли яна 49 миллион киши ўта қашшоқлик домига тушиб эҳтимоли мавжуд.

Орта қайтмайдиган ислохотлар

Бундан уч йил муқаддам Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистоннинг туб ислохотларини амалга ошириш бўйича қарорни қатъий эканини таъкидлаган ва бу халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлган эди.

Дарҳақиқат, жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида янги Ўзбекистон шаклланимда. Демократик ўзгаришлар орта қайтмайдиган тус олди. Аҳоли ҳамда сиёсий партияларнинг фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири ошди. Гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ошди. Янги парламентда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Махбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Олдингидек, қўтувчи ҳамда шифокорларни кўча тозалашга қаратиш, болаларни пахта теримида сафарбар этиш қонунан таъқиқланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сони катта майитиришга қаратилган қаҳригига жавобан шу йилнинг ўзида 50 минг юрдошисимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Эътибор бераётган бўлсангиз, кейинги йилларда қатор мамлакатлар, ташкилотлар, нуфузли оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонни “Йил мамлакати” деб эътироф этипти. “The Economist” дунёнинг икки юзга яқин давлатлари орасида Ўзбекистонни “Йил мамлакати”, деб топди. Ҳафталик Ўзбекистонни 2019 йили дунёда энг кўп яхши тарафга ўзгарган мамлакат, деб эътироф қилган. Ҳолбуки, мустақил Ўзбекистон тарихида бунақаси ҳали кузатилмаган эди. Ушбу янгилик шу кунга қадар Марказий Осиёнинг бирор-бир давлати бундай эътирофга лойиқ кўрилмагани билан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Қолаверса, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозғистон, Россия ва Европадаги қатор нашрлар ҳам Ўзбекистоннинг ютуқларини кенг эътироф этди.

роф воситалари Ўзбекистонни “Йил мамлакати” деб эътироф этипти. “The Economist” дунёнинг икки юзга яқин давлатлари орасида Ўзбекистонни “Йил мамлакати”, деб топди. Ҳафталик Ўзбекистонни 2019 йили дунёда энг кўп яхши тарафга ўзгарган мамлакат, деб эътироф қилган. Ҳолбуки, мустақил Ўзбекистон тарихида бунақаси ҳали кузатилмаган эди. Ушбу янгилик шу кунга қадар Марказий Осиёнинг бирор-бир давлати бундай эътирофга лойиқ кўрилмагани билан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Қолаверса, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозғистон, Россия ва Европадаги қатор нашрлар ҳам Ўзбекистоннинг ютуқларини кенг эътироф этди.

Ёпиқликдан очкиқлик сари

Ваҳоланки, тўрт йил илгари, аксарият таҳлилчилар томонидан Ўзбекистонга дунёдаги энг ёпиқ мамлакатлардан бири, деб таъриф берилган. Шу ўринда бир мисол. 2017 йил апрелдан мамлакатга бир ойгача муддатга келадиган Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург,

молигида юриятаётган очик, оқилона ва конструктив таъши сиёсати туфайли Марказий Осиёда шаклланган мутлақо янги, ўзаро ишонч ҳамда яхши қўшничилик муҳити халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган муҳим жиҳатлардан биридир. Хорижий сиёсатшунос ва экспертлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик ҳамда дўстликка асосланган очик сиёсати Ўзбекистон раҳбари муроса қилиш ва йиллар давомида тўлғаниб, қўшни давлатлар билан муносабатларни ривожлантириш йўлида ғов бўлиб келаётган энг мураккаб масалаларга ечим топиш қобилиятига эга эканидан далолат бермоқда, деган яқин фикрда.

Ёшлар манфаатлари ҳаммаша устувор

Минтақада энг кўп аҳолига эга мамлакатимизда иқтисодийёти либераллаштириш, унинг асосларини диверсификация қилиш ва четдан кўпроқ сарможа жалб этиш саъй-ҳаракатлари-



ламентлар ролини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни тақлиф этди.

Қўшничилик — минг йилчилик

Сўнгги йилларда Ўзбекистон саъй-ҳаракатлари эвазига қўшни давлатлар билан муносабатларда ўз ечимини кутаётган масалаларни хал қилиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Жумладан, 2017 йилда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чегараларни белгилаш, назорат-ўтиш пунктларини очиш, транспорт қатновини тиклаш ҳамда кенгайтириш каби кўплаб нозик масалалар бўйича муҳим келишувларга эришилди ва бу жараён давом этмоқда. Ўзбекистон билан қўшни мамлакатлар ўртасида одамларнинг борди-келди қилишига йўл очилди, минтақаларимиз ҳамда чегараолди худудлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Буларнинг барчаси минтақа давлатлари ўртасида дўстлик ва ишончнинг мустаҳкамламоқда, ҳамкорликка янги суръат бағишламоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусларга асосан мунтазам ўтказилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари улкан марра бўлди. Бунинг исботи ўлароқ, охириги тўрт йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробар ўсди.

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари олдиди муҳим стратегик вазифа кун тартибидида турибди. У ҳам бўлса, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлакларига оид чуқур интеграциясини таъминлашдир. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидеда **Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш** тақлиф этилди. Боз устига, Ўзбекистон ташаббуси билан 2021 йилда ЮНЕСКО ҳамкорлигида қадимий Хива шаҳрида **“Марказий Осиё ҳақон цивилизацияларини қорраҳаси” мавзусида халқаро форумни** ўтказиш режалаштирилмоқда. Режа амалга ошса, бу минтақа давлатларини янада жипслаштиради.

Олис, аммо шарафли йўл

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ҳавфсиз ва барқарор минтақга эга бўлиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Президентимиз таъкидлаганидек, Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз. 2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги Тошкент конференцияси афғон муаммосини ечиш учун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини сафарбар этишда янги босқич бўлди. Ушбу анжуман Афғонистон масаласида турлича қараш ҳамда позицияга эга бўлган йирик ва қўшни давлатлар мавқеларини яқинлаштиришга хизмат қилди. Энг қувонарлиси, нихоят Афғонистон ҳукумати ҳамда Толибон Қатар пойтахтида тинчлик музокараларини бошлади. Мамлакатимиз раҳбари Доха шаҳрида афғон сиёсий қучлари ўртасида бошланган тинчлик музокараларини тўла кўллаб-қувватлади. Булар жафокаш афғон заминидида тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга хизмат қилишига умид билдирилди.

Аммо тинчлик ўрнатишнинг йўли олис ва мураккаб. Аҳолининг ижтимоий муаммоларини қалашиб ётибди. Шу боис **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган кўмита ташкил этиш ташаббуси** илгари сурилди.

Иқлим ўзгариши ҳам эътибордан четда қолмади

Замонамизнинг ўткир муаммоларидан яна бири глобал иқлим ўзгаришларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараёнинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта ҳавф тугдиряпти.

БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Президентимиз халқаро ҳамжамият эътиборини яна бир бор Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларига қаратди. Мавжуд аҳолини яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламни шакллантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси учун БМТнинг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди тўзилди. Бунга ҳамоҳанг тарзда **Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш тақлифи илгари сурилди. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган сананинг Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш қўни сифатида нишонланиши** эса глобал миқёсда экология муаммоларига эътибор қаратишни кучайтиришга хизмат қилади.

Хуллас, Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли шериклики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг институтлари билан амалий мулоқотни ривожлантириш учун доимо тайёр.

Президентимиз маърузасида илгари сурилган ташаббуслар, ғоя ва тақлифлар амалий жиҳати билан ажралмай туради. Инсон манфаатлари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари, халқаро майдонда тинчлик ҳада барқарорлик ўрнатишдек эзгу ҳаракатларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Маҳмуджон БОЛТАБОВЕВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Миллий мерос



ИСТИҚБОЛЛИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ

ҳам соҳа ривожини юксалтиради, ҳам фуқаролар бандлигини таъминлайди

Мамлакатимизда халқимиз фаровонлигини ошириб, уларнинг муносиб турмуш кечириши учун қўлай имкониятлар яратиш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар ноёб анъаналаримизни қайта тиклаб, ҳунармандчиликни аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтиришда етакчи тармоқлардан бирига айлантирмоқда.

ни ҳунармандлари киритилган.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар реестрига вилоятдан 331 нафар ҳунарманд киритилган бўлиб, реестрга киритиш учун яна 90 нафар ҳунарманд рўйхати шакллантирилган.

Вилоятда “Уста — шогирд” анъанаси асосида 839 та “Уста — шогирд” мактаби ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда уларда 3605 нафар шогирд соҳа сир-асорларини ўзлаштирмоқда.

Самарқанд вилоятида азалдан миллий ҳунармандчилик кенг ривожланган. Вилоят “Ҳунарманд” уюшмасида бугунги кунда 32 та йўналиш бўйича жами 2738 ҳунарманд рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият юритмоқда. Улардан 1124 нафари хотин-қиз, 873 нафари ёш ҳунармандлардир.

Вилоятда “Рухобод”, “Кониғил мерос”, Ургант ва Нуробод туманларида ҳунармандчилик марказлари мавжуд. Самарқанд шаҳридаги Ҳунармандчиликка кўмаклашиш марказида айни пайтда қурилиш жараёни кетмоқда. Шунингдек, Каттақўрғон шаҳридаги ҳунармандчилик маркази биноси шу йилнинг декабрь ойига қадар қурилиб, ишга туширилиши режалаштирилган.

Айтиш керакки, Самарқанд ҳунармандчилиги кейинги йилларда янада тақомиллашди. Мамлакат миқёсидаги нуфузи ошди. Жумладан, “Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги”га республика бўйича 287 нафар ҳунарманд киритилган бўлса, шунинг 57 нафари самарқандлик уста-ҳунармандлардир. Улар орасида Самарқанд шаҳри ва тумани, Ургант, Оқдарё, Нарпай, Иштихон туманлари, Каттақўрғон шаҳри ҳамда туман-

оширилган, шу билан бирга, 2310 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Умид Ҳакимов. — Жорий йилнинг ўтган даврида тасдиқланган, қиймати 47,2 миллиард сўмлик 1181 та лойиҳага имтиёзли банк кредитлари ажратилиши ва бунинг натижасида 2191 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилаётди. Айни кунгача ваколатли банклар томонидан 1001 та лойиҳага 32 миллиард 869 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Умуман, вилоятда ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратишга қаратилган юқоридаги каби ишлар изчил ва тизимли равишда давом эттирилади. Ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши нафақат соҳа ривожини, балки жамият тараққиётига хизмат қилади.

Абдулғазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

РАҒБАТ — ИНТИЛИШГА ҚАНОТ

Алоҳида бир атом — майда заррани тўрт тарафга суриш, гиштдек териб, оддий нигоҳ илғамас митти механизмлар, қурилмалар ясаш баъзи ёшларимиз учун, ҳатто, игнадан ип ўтказишдан-да осонлашиб бормоқда.

Албатта, бунда ёшлардаги салоҳият ва интилишларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш қанот бўлмоқда. Шу жиҳатдан робототехника йўналишида бир қатор халқаро танловларда ғолибликни кўлга киритган Сўхроббек Хайдаровнинг ютуқлари тендошлари — навқирон авлод учун ибрат намунаси.

Иқтидор

Сўхроббек Навоийи шаҳридаги 4-сонли айрим фанлар чуқур ўрганиладиган иختисослаштирилган мактабда таълим олмақда. Аксарият тенгқурлари каби у ҳам техникага қизиқиб, унинг мураккаб механизмлари ёрдамида киши оғирини енгил қилишга анча эрта киришди. Табиийки, бу йўлда “оддийдан — мураккабга” тамойилининг барча жараёнини босиб ўтди. Урганди, тақомиллаштирди, янгиисни яратди.

Илм шахс тафаккурини ривожлантиради. Ғоя бўлса, инсон тасаввур олами мўъжизага қодир. У ўз ишланмалари билан 2018 йилда “Youht techno art — 2018” болаларнинг техник ижод-

корлиги фестиваль-танловининг республика босқичида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади. Шу йили “Барқамол авлод” болалар башли ижодиёт марказлари (ҳозирги “Барқамол авлод” болалар мактаблари) тўғрақ аъзолари ўртасида ўтказилган “Ижодкор болалар” фестивал-танловида ҳам мутлақ ғолибликни кўлга киритди.

2019 йилда эса яна шу марказларнинг техник ижодкорлик йўналишидаги тўғрақларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган “Робототехника” ўқув-амалий семинарида Ўзбекистон ёшлар миллий терма жамоаси сафига

қабул қилинди. Худди шу йили Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетидида ўтказилган “Киберспорт” тури бўйича танловда иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Шунингдек, 2019 йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилган “Кашфиётчи болалар” республика кўрик-танловининг “Робототехника” йўналишида, сал кейинроқ Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида ўтказилган танловнинг “Робо сумо” турида ҳам фахрли иккинчи ўринларини эгаллади.

— Республика терма жамоаси сафига қабул қилинганми, ҳаётининг энг қувончли дамлари билан бири, — дейди Сўхроббек. — Чунки энди дунё миқёсида тенгдошларим билан баҳслашиш борабариди, мамлакат шарафини ҳимоя қилиш, юртимизни дунёга танитишга ҳисса қўиш, байроғимизни халқаро танловларда бошимиз узра баланд кўтариш имкони турилган эди...

Иқтидорли ўқувчи 2019 йили Россия Федерациясининг Нижний Новгород шаҳрида халқаро “Кампус — 2019” “Робототехника” турнирида фахрли 3-даражали диплом билан тақдирланган бўлса, шу йили Венгриянинг Дьор шаҳрида бўлиб

ўтган “WRO — 2019” халқаро “Робототехника” олимпиадасида Осиё миқтаси бўйича мутлақ ғолибликни кўлга киритди.

2020 йилда Россияда бўлиб ўтган халқаро “Робототехника” олимпиадасида 70 давлат орасида учинчи даражали диплом билан тақдирланиб, финал босқичига йўланмани кўлга киритди. Биз юқориди Сўхроббек эришган ютуқлар ва рағбатларнинг бир қисминини яратиб, унда техник яратувчиларнинг ўзаро мулоқоти, фикр, ғоя алмашинувини йўлга қўйдим, — дейди у. — Мухтасар айтганда, бу интеллектуал мулоқот минбари сифатида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Сўхроббек Хайдаровнинг яқин истиболдаги орзу ва мақсадлари, унда бўй кўрсатган иқтидор эътибор ҳамда эътироф туфайли тобора улғаймоқда. Зеро, интилувчанлик инсонни бунёдкорлик, махсуддорлик, яратувчанликка йўналтиради.

Темур ЭШБОВЕВ
(«Халқ сўзи»).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1056. 30 702 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловна 71-232-11-15.



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

**100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.**
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғафоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.20 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6